

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚОБИЛОВА НАРГИСАБЕГИМ СУЛАЙМОНБЕК ҚИЗИ**

**ЖЕК ЛОНДОН ВА АБДУЛЛА ҚАХҲОР ИЖОДИДА БАДИИЙ  
ПСИХОЛОГИЗМ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва  
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

УДК: 81'4:111.85:394[=512.133/=111/=222.8]

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**The contents of dissertation abstract for a Doctor of Philosophy (PhD) in  
Philological sciences**

**Қобилова Наргисабегим Сулаймонбек қизи**

Жек Лондон ва Абдулла Қаҳҳор ижодида бадий психологизм .....3

**Кабилова Наргисабегим Сулаймонбек кизи**

Художественный психологизм в творчестве Джека Лондона и Абдуллы  
Каххара.....21

**Kobilova NargisabegimSulaymonbekqizi**

Literary Psychology in the Works of Jack London and Abdulla  
Kakhkhar.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....43

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚОБИЛОВА НАРГИСАБЕГИМ СУЛАЙМОНБЕК ҚИЗИ**

**ЖЕК ЛОНДОН ВА АБДУЛЛА ҚАҲҲОР ИЖОДИДА БАДИИЙ  
ПСИХОЛОГИЗМ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва  
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.PhD/Fil664 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Бухоро давлат университетида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Бухоро давлат университети веб-саҳифасида ([www.buxdu.uz](http://www.buxdu.uz)) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Афоқова Нодира Махмудовна</b> филология фанлари доктори
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Қаршибаева Улжан Давировна</b> филология фанлари доктори, профессор <b>Тоирова Наргиза Исаковна</b> филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Самарқанд давлат университети</b>

Диссертация химояси Бухоро давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.72.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «18» сентябрь соат 11<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М. Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-29-14; факс: (0 365) 221-27-57; e-mail: [buxdu\\_rektor@buxdu.uz](mailto:buxdu_rektor@buxdu.uz))

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( 30 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М. Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2020 йил «02» сентябрь кuni тарқатилди.  
(2020 йил «02» сентябрьдаги 06 - рақамли реестр баённомаси).



**Д.С.Ўраева**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол. ф. д., профессор

**З.И.Расулов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол. ф. н., доцент

**М.М.Жўраева**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д. (DSc)

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон ижодкорлари орасидаги адабий алоқалар ва адабий таъсир юқори босқичга кўтарилиб бораётгани бу жараённинг ривожланиш тарихи, тараққиёт хусусиятлари ва поэтик қонуниятларини аниқлаш заруриятини келтириб чиқармоқда. Бу эса муайян ёзувчи ижодининг дунё адабиётидаги ғоявий-бадий мавқеи ва қимматини белгилашда, бадий синтез, муштараклик ва индивидуалмаҳорат кирраларини очишда муҳим аҳамият касб этади. америкалик адиб Жек Лондон ва ўзбек прозаиги Абдулла Қаҳҳор ижодини адабий ўхшашлик ва адабий таъсир аспектида қиёсан ўрганиш, уларда инсон руҳиятининг бадий воқеланиши ва унда намоён бўлган адиб маҳорати муаммосини тадқиқ этиш адабиётшуносликнинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Дунё адабиётшунослигида бадий психологизм асосида инсоннинг яшаш тарзи, уни қуршаган муҳит ва нарсалар, интилишлари, ҳаётга ижтимоий-маданий муносабати, ахлоқий қарашлари тасвирига эътибор ортиб бормоқда. Шу сабабли маълум бир давр шароитида қалам тебратган ёзувчининг ижтимоий ва миллий ижод психологияси, бадий психологизм орқали инсон руҳий оламини ёритиш маҳоратини ўрганиш, Шарқ ва Ғарб адабий анъаналари синтезини муайян ижодкорлар асарлари мисолида адабий таъсир ва типологик аспектда текшириш бу борадаги тадқиқотлар заруриятини белгилайди. Жаҳон адабиётшунослигида улуг адиблар асарларини қиёсий тадқиқ этиш қиёсий адабиётшунослик каби замонавий фан соҳаларининг такомиллашувига хизмат қилмоқда.

Мустақиллик йилларида ўтган аср ўзбек адиблари ижодини янги ижтимоий-сиёсий дунёқараш асосида Шарқ ва Ғарб адабий анъаналарининг, Шарқ ва Ғарб тафаккурининг мураккаб синтези сифатида ўрганилишига кенг имкониятлар яратилди. Шунгача XX аср ўзбек адиблари ижоди ғоявий-бадий жиҳатлардан кенг тадқиқ қилинган бўлса ҳам, бугунги адабиётшунослик олдида миллий адибларимиз ижодини мана шундай мураккаб синтезлашув ҳосиласи сифатида қиёсий йўналишда алоҳида ўрганиш зарурий вазифалардан бири қилиб белгиланди. Шу жиҳатдан «... жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ва ўзбек адабиётининг энг яхши асарларини чет тилларига таржима қилиш ишларининг танқидий таҳлили»<sup>1</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди. Ушбу масалаларнинг устувор стратегик йўналиш сифатида белгилаб қўйилиши адабиётшунослик ва таржимашунослик соҳаларида ҳам илмий изланишлар кўлами ҳамда кўрсаткичини янада кўтаришга кенг имкониятлар яратди. Хусусан, XX аср америка адабиёти намояндаси Жек Лондон ва ўзбек

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб муталааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги фармойиши.//Халқ сўзи, 2017 йил 13 январь. -№9 (6703).

адиби Абдулла Қаҳҳор ижодида бадиий психологизм масаласини атрофлича илмий асосда текшириш тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2006 йил 25 августдаги ПҚ-451-сон “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги, 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги «Жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ҳамда ўзбек адабиёти дурдоналарини чет тилларига таржима қилиш ва нашр этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 376-сон Қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон адабиётшунослигида XX аср америка адабиёти тадқиқига бағишланган салмоқли ишлар амалга оширилган бўлса-да, уларда бадиий психологизм мавзуси етарлича тадқиқ этилмаган. Жумладан, Н.И.Конрад<sup>2</sup>, И.Г.Неупокоева<sup>3</sup>, В.М.Жирмунский<sup>4</sup>лар томонидан яратилган тадқиқотларда турли халқларнинг бадиий тафаккури ҳамда ижтимоий-маданий ривожланишидаги ўхшашлик, халқаро ва маданиятлараро алоқаларга асосланишлар масаласига эътибор қаратилган.

Америкалик адиб Жек Лондон ҳамда ўзбек ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор ижоди бўйича адабиётшуносликда юздан ортиқ илмий ишлар ҳимоя қилинган. Жумладан, Жек Лондон ижоди В.Богословский<sup>5</sup>, И.Баданова<sup>6</sup>,

<sup>2</sup>Конрад Н.И. Запад и Восток. Статьи. – М.: Наука, 1972. – 520 с.

<sup>3</sup>Неупокоева И.Г. История всемирной литературы. Проблемы системного и сравнительного анализа. – М.: Наука, 1976. – 357 с.

<sup>4</sup>Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение. Восток и Запад. – Л.: Наука, 1979. – 496 с.

<sup>5</sup>Богословский В. Джек Лондон. – М.: Просвещение, 1964; Богословский В. К истории реализма в США. Творчество Джека Лондона и Эптона Синклера: Автореф.дисс... доктора филол.наук. – М., 1963.

<sup>6</sup>Баданова И. Джек Лондон и его герой. Творчество Джека Лондона 1900-1910 гг.: Автореф.дисс... канд.филол.наук. – М., 1963.

В.Быков<sup>7</sup>, Артур Калдер-Маршалл<sup>8</sup>, Рут Фрэнчир<sup>9</sup>, Ирл Джен Лэйбор<sup>10</sup> каби олимларнинг илмий изланишларида кенг ёритилган.

Ричард Чейзнинг “Америкада роман ва романчилик анъаналари”, Мариус Бюлининг “Эксцентрик обзор (классик америка романчилигида шакл масаласи)” фундаментал тадқиқотларида 19 роман, 152 ҳикоя, 3 та пьеса яратган жаҳоншумул адибнинг номи эслатилмайди ҳам.

Умуман, АҚШ, Англия, Франция каби мамлакатларда Жек Лондон ижоди жаҳон адабиётининг нодир намунаси сифатида қадрланади.

Диссертацион иш учун асос бўлган Абдулла Қаҳҳор ижодига бағишлаб бир неча монография ва рисолалар, докторлик ва номзодлик диссертациялари<sup>11</sup> яратилгани маълум. Абдулла Қаҳҳор ижодига оид ўзбек адабиётшунослигида яратилган катта-кичик тадқиқотлар С.Содиқовнинг “Абдулла Қаҳҳор ижоди ва адабий танқид” мавзуидаги докторлик диссертациясида муфассал шарҳланган.

Абдулла Қаҳҳор ижодида америкалик адиб Жек Лондон асарларининг таъсири ҳақида адабиётшуносликда айрим фикрлар айтилган<sup>12</sup>.

Н.Мирзаеванинг номзодлик ишида Абдулла Қаҳҳорнинг ҳикоянависликдаги тажрибалари А.Чехов услубига қиёсан ўрганилган.

Ўзбек адабиётшунослигида бадий психологизм масаласи ҳам янгилик эмас. Профессор Ҳотам Умурувнинг “Проблема психологизмаи узбекский роман” мавзусидаги докторлик диссертацияси<sup>13</sup> шу мавзудаги ишлардандир.

Умуман айтганда, М.Қўшчоновнинг докторлик, Н.Мирзаеванинг номзодлик диссертацияларида, қисман О.Шарафиддинов монографиясида, Х.Ҳамроқулованинг номзодлик диссертациясида Абдулла Қаҳҳор ижоди қиёсий планда текширилган эса-да, мазкур диссертация ўзбек ёзувчиси ижодини конкрет олинган муаммо – бадий психологизм нуқтаи назаридан фақат Жек Лондон ижоди билан қиёсий ўрганишни назарда тутадик, юқоридаги тадқиқотларда масала айнан шундай қўйилган эмас.

<sup>7</sup> Быков В. Романы Джека Лондона: Автореф.дисс. ...канд.филол.наук. – М., 1966.

<sup>8</sup> Arthur Calder-Marshall. Lone Wolf. The Story of Jack London. N. Y., 1961.

<sup>9</sup> Ruth Franchere. Jack London: The Pursuit of a Dream. N. Y., 1962

<sup>10</sup> Earle Gene Labor. Jack London's Literary Artistry: A Study of His Imagery and Symbols in Relation to His Times (Thesis). The University of Wisconsin, 1960

<sup>11</sup> Кошчанов М. Художники жизни (Творчество Каххара в аспекте сравнительного изучения): Дисс... докт. филол. наук. – Т., 1971; Содиқов С. Абдулла Қаҳҳор ижоди ва адабий танқид: Фил. фанл. докт... дисс. – Т., 1997; Шодиев Н. Мастерство психологического анализа Абдуллы Каххара: Дисс... канд. филол. наук. – Т., 1973; Юлдашев Н. Проблемы психологического анализа в узбекской прозе (Внутренний монолог в романах А.Кадыри, Айбека, А.Каххара, А.Якубова): Автореф.дисс...канд.филол.наук. – М., 1982; Норматова Ш. Поэтика рассказов Абдуллы Каххара (Мастерство повествования, своеобразие сюжетно-композиционного построения): Дисс... канд.филол.наук. – Т., 1990; Зиёдуллаева Н. Ўзбек адабиётшунослигида иждокор биографиясини ўрганиш муаммолари (Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижоди асосида): Фил. фанл. номз... дисс. – Т., 2000; Ҳамрақулова Х. Абдулла Қаҳҳорнинг “Сароб” романида шахс фожиаси талқини: Фил. фанл. номз... дисс. автореферати. – Т., 2004; Мирзаева Н. Многомерность образа героя в жанре рассказа (на материале произведений А.Чехова и А.Каххара): Дисс. ...канд. филол. наук. – Т., 2007.

<sup>12</sup> Шарафиддинов О. Абдулла Қаҳҳор. – Т.: Ёш гавардия, 1988. – Б.43-44; Ҳамрақулова Х. Абдулла Қаҳҳорнинг “Сароб” романида шахс фожиаси талқини: Филол. фан. номз. ... дисс. авторефер. – Т., 2004. – 17-б.

<sup>13</sup> Умурув Х. Проблема психологизма и узбекский роман: Дисс... доктора филол.наук. – Т., 1983.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация “Истиқлол даври ўзбек адабиётида Шарку Фарб адабий анъаналари синтези” (қайд рақами С1538832792) мавзуидаги фундаментал тадқиқотлар давлат гранти лойиҳаси доирасида бажарилди.

**Тадқиқотнинг мақсади** роман ва ҳикоя каби катта-кичик жанрларда бадиий психологизмнинг, психоаналитик ҳодисаларнинг ўзига хос ифодаланишини, уларнинг ҳар бир халқ адабиётида ўз ижтимоий ва миллий психологияси, ижодкорнинг ижод психологияси ҳамда индивидуал поэтик-услубий маҳорати негизида берилишини америкалик адиб Жек Лондон ва ўзбек ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор ижодини қиёсий ўрганиш мисолида асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Жек Лондон асарларининг ўзбек маданиятига кириб келиши билан боғлиқ ижтимоий-адабий омилларни аниқлаш;

ҳикоя ва роман сингари ҳажман фарқ қилувчи жанрларда бадиий психологизмларни қўллаш билан боғлиқ композицион ҳамда поэтик хусусиятларни Жек Лондон билан Абдулла Қаҳҳор асарлари мисолида очиб бериш;

Жек Лондон ва Абдулла Қаҳҳор асарларида ижодкор ҳамда ижод психологиясининг намоён бўлишини қиёслаш орқали уларнинг бадиий психологизмни акс эттиришдаги услубий маҳоратини далиллаш;

“Мартин Иден” ва “Сароб” романларида акс этган типологик ўхшашликларни, ижтимоий ва миллий психологиянинг бадиий тасвиридаги ўзига хосликларни асослаш;

“Мартин Иден” ва “Сароб” романларида муаллиф психологияси, қаҳрамон портрети, ўлим категориясининг берилишини психоаналитик жиҳатдан ёритиш;

адабиётда инсон руҳий оламини бадиий гавдалантиришнинг адабий-эстетик анъаналар ҳамда индивидуал услуб билан алоқаси, бадиий психологизмнинг услубий восита ва шакллари танлашда ёзувчи индивидуаллигини белгилаб кўрсатиш.

**Тадқиқотнинг объекти.** Тадқиқотнинг объекти сифатида Жек Лондоннинг “Мартин Иден”, Абдулла Қаҳҳорнинг “Сароб” романлари ҳамда уларнинг ҳикоялари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни бадиий психологизм ҳар бир халқнинг ижтимоий ва миллий психологияси баробарида ижодкорнинг ижод психологияси ҳамда индивидуал поэтикуслубий маҳорати асосида берилишини аниқлаш ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертациянинг мақсадидан келиб чиқиб, ишда тарихий-қиёсий, қиёсий-типологик, психоанализ, биографик методлардан фойдаланилди.

### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

“бадий психологизм” тушунчасининг мазмун диапазонилик марта илмий талқин этилиб, инсон руҳияти бадий манзараларини яратишда диалог, монолог, портрет, туш, галлюцинация, мактуб, психологик тафсилот, психологик параллелизм каби психоаналитик воситаларнинг қисқаликка интилиш, қаҳрамон руҳий ҳолатини унинг қиёфаси орқали тасвирлаш, вербаллаштириш каби услубий принциплари аниқланган;

Жек Лондон ва Абдулла Қаҳҳор роман ҳамда ҳикояларида бадий психологизм, қаҳрамон руҳияти, портрети, муҳаббат, ўлим категорияларининг психоаналитик ифодаси ўхшаш мотивлар доирасида воқеланиши исботланган;

“Мартин Иден” ва “Сароб” романларида турли замон ва маконга хос миллий-ижтимоий психологиянинг бадий воқеланишидаги муштарак ва фарқли жиҳатлари, ижод ва ижодкор психологияси мутаносиблиги асосланган;

икки роман марказида турган ҳурфикрлик, яқранглик, кўрқув, моддиюнчилик, қарамлик каби ижтимоий-психологик ҳодисалар илк марта психоанализва биографик метод нуқтаи назаридан талқин этилиб, инсон руҳий оламининг ҳаётини ҳақиқатлари, олам манзараларини бадий акс эттиришнинг психоаналитик асослари далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.** Жек Лондон ва Абдулла Қаҳҳорнинг бадий психологизмни қўллаш, психоаналитик ҳодисаларни руҳий ва бадий таҳлил қилиш маҳоратидаги ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатларни уларнинг турли макон ва замонда яратилган ҳикоя ва романлари аслият ва таржима матнлари қиёси мисолида ўрганиб, ҳар бирида ижтимоий ва миллий психология, ижодкорнинг ижод психологияси ўзига хос воқеланиши бўйича чиқарилган хулосалар қиёсий адабиётшунослик, таржимашунослик учун муҳим илмий-назарий маълумотлар беради, унга доир дарслик ва қўлланмаларнинг мукамаллашувига хизмат қилади;

оммавий ахборот воситаларида ўзаро дўстлик, адабий алоқаларнинг миллий адабиётимиз равнақидаги ўрнини тарғиб ва ташвиқ қилишда манба вазифасини бажаради.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** Жек Лондон ва Абдулла Қаҳҳор ҳикоя ва романларида бадий психологизмнинг қўлланилишига хос хусусиятлар Европа адабиётшунослигида оммалашган психоанализ ва биографик методлар орқали чуқур тадқиқ қилингани, жаҳон адабиётшунослигининг энг янги илмий концепциялари ва назарий қарашлари асосида қиёсий ўрганилгани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Мазкур диссертация натижаларидан адабий таъсир муаммоларини, ёзувчи услубини, бадий адабиётнинг энг муҳим жиҳатини ташкил этадиган бадий психологизм масаласини ёритишга бағишланган илмий ишларда фойдаланиш мумкин.

Ишнинг илмий-назарий хулосалари ва умумлашмаларидан олий ўқув юртларида қиёсий адабиётшунослик, жаҳон халқлари адабиёти бўйича маърузалар ўқиш, дарс машғулотлари ўтказишда, ўқув қўлланмалари, дарслик ва мажмуалар яратишда, таржимашуносликка бағишланган махсус курс ва семинарлар ўтишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Жек Лондон ва Абдулла Қаҳҳорнинг ҳикоя ва романларида бадий психологизмни қўллашдаги ўзига хос хусусиятларни, бадий психологизмнинг ижтимоий, миллий, ижодкор психологияси каби кўринишларини ўрганиш юзасидан олинган илмий натижалар ва амалий таклифлар асосида:

қиёсий адабиётшуносликда инсон руҳий оламини бадий қайта гавдалантиришнинг адабий-эстетик анъаналар ҳамда индивидуал услублар билан алоқаси, Жек Лондон ва Абдулла Қаҳҳорнинг бадий психологизмни қўллаш, психоаналитик ҳодисаларни поэтик таҳлил қилиш маҳоратидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлари хусусидаги хулосалардан Ўзбек тили таржимон баҳоловчиси Умид Сайидов томонидан АҚШдаги “ALTA” тил хизматлари компаниясида амалиётга жорий этилган;

бадий асарларда бадий психологизмни ифодалашга хос хусусиятлар, унинг ижтимоий, миллий, ижодкор психологияси каби кўринишлари турли макон ва замонда яратилган асарларда ўзига хос акс эттишига оид илмий натижалардан Ф-1-06 “Истиклол даври ўзбек адабиётида Шарқу Фарб адабий анъаналари синтези” мавзусидаги фундаментал лойиҳада ҳамда

ижод ва ижодкор психологияси масаласи адабий материал заминида реал ҳаётдаги ёзувчилар фаолиятига қиёсан диққат марказига қўйилиши, “Мартин Иден” ва “Сароб” романларида акс этган психологик ҳодисалар Европа адабиётшунослигида оммалашган психоанализ методи асосида тадқиқ қилиниши, жумладан, бадий асар ва унинг яратувчиси муносабатлари, бадий адабиётда акс этган инсон руҳий оламига алоқадор ҳаётий ҳақиқатлар психоаналитик асослари ёритилишига оид илмий натижалардан ОТ-ФЗ-090 рақамли “Жадид адабиёти – жаҳон адабиётининг синтези сифатида” мавзусидаги лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 5 ноябрдаги 89-03-4282-сон маълумотномаси). Натижада адабий таъсир, бадий синтез билан боғлиқ муаммолар қиёсий аспектда ўрганилиб, ечимлари тавсия қилинган;

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston” телерадиоканалининг “Маданий-маърифий ва бадий эшиттиришлар” муҳарриятининг “Бедорлик”, “Таълим ва таракқиёт”, “Ҳамроҳ” номли эшиттиришларида тадқиқотчи томонидан тавсия этилган адабий алоқаларнинг адабиётни ривожлантиришдаги, халқлар орасида ўзаро дўстлик, адабий ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлашдаги роли билан боғлиқ фикр-мулоҳазалардан, таниқли адиблар Жек Лондон ва Абдулла Қаҳҳор ижодида инсон руҳий оламининг ўзига хос бадий талқини ҳақидаги

хулосалардан фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон телерадиоканали” давлат унитар корхонаси 2019 йил 7 январдаги О’з\k-1-3-сонли маълумотномаси). Натижада берилган маълумотлар тингловчиларнинг китобхонликка эътибори ва муҳаббатини кучайтиришга, Жек Лондон ва Абдулла Қаҳҳор асарларида инсон руҳияти манзаралари акс эттирилишига доир маълумотларини оширишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 12 та, жумладан, 3 та хориж ва 9 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 20та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг PhD диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та илмий мақола, улардан 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Умумий ҳажми 142 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Бадиий психологизм ва ижод психологияси**” деб номланган бўлиб, 3 фаслдан таркиб топган. Боб фаслларида “бадиий психологизм” тушунчаси ва унинг бадиий асардаги ўрни, Жек Лондон ва Абдулла Қаҳҳорнинг ҳикояда бадиий психологизмдан фойдаланиш маҳорати ҳамда ижодкор ва ижод психологияси ёритилган.

Бадиий психологизм, асосан, бадиий образ билан чамбарчас боғланган ходисадир. У адабий тур ва жанрлар кесимида фарқланади. Айни пайтда бадиий психологизмдан фойдаланиш эпик тур жанрлариаро ҳам фарқли хусусиятларга эга.

Ҳикоя – ҳаётнинг кичик бир парчасини акс эттирганидан, унда бир ёки бир неча ҳаётий воқеа қаламга олинганидан бу жанрда қаҳрамон руҳий дунёси изчил равишда батафсил ёритиш, “қалб диалектикаси”ни босқичма-босқич бериш имкони бироз чекланган. Ҳикояга характерлар тайёр ҳолда кириб келади, шунинг учун ҳам ҳикоя жанрида психологик таҳлил кўпроқ

ситуатив характерга эга. Хикояда туш, галлюцинация, мактуб сингари шаклларни қўллаш ҳам кўп учрамайди. Бу жанрда психологик деталь, психологик тафсилотдан фойдаланиш имконияти кўпроқ; портрет эса, асосан, штрихлар тарзида кўринади.

Роман – психологик таҳлил учун имкониятлари энг кенг жанрдир. Романга хос бўлган тарихий даврнинг кенг манзарасини, маълум ижтимоий ҳаётнинг бадиий тарихини яратиш билан характерланадиган бош хусусият бу жанрдаги асарларда маълум қаҳрамонлар характерида намоён бўладиган ижтимоий ва миллий психологияни ҳам, характернинг “қалб диалектикаси”ни ҳам кенг, изчил, ҳар томонлама очиш ва бунда турли усул ва воситалардан фойдаланиш имконини беради.

“Ички дунё”, “ички ҳаёт”, “руҳий дунё”, “психология” терминларини синоним сифатида ишлатиш мумкин. Чунки буларнинг барчаси инсоннинг субъектив дунёсини, шахс ҳаётининг бошқаларга кўринмайдиган номоддий, фақат шу шахснинг ўзигагина аниқ маълум бўлган – бошқаларга эса ишора, белги, рамз тарзида намоён бўладиган руҳий-маънавий томонини ифодалайди.

“Психологик анализ”, “психологик таҳлил”, “руҳий таҳлил” атамалари ҳам ўзаро маънодош. Аммо “психоанализ” терминини “психологик анализ”нинг қисқартмаси тарзида бу қаторга қўшиб бўлмайди. Чунки бу сўз XIX аср охири – XX аср бошларида австриялик врач-психотерапевт Зигмунд Фрейд асос солган назарий қарашлар тизимини англатади. Психоанализ – терминдир.

Умуман, “психоанализ”дан ташқари, юқоридаги “психологизм”, “ички дунё тасвири”, “психологик анализ”, “руҳий дунё тасвири”, “руҳий таҳлил”, “психологик тасвир”, “психологик таҳлил”, “ички ҳаёт тасвири” каби терминларнинг барчаси бир жараённинг турли босқичлари ва маҳсулини англатади. Яъни ижодкор дастлаб инсон психологиясини ўрганади, уни идрокида таҳлил қилади. Кейин танлаш принципи асосида инсон руҳиятини бадиий матн талабига кўра тасвирлайди, акс эттиради. Бадиий психологизм – инсон руҳиятини идрок этиш, таҳлил қилиш натижаси ўлароқ, бадиий асарда акс эттирилган руҳий ҳолатлар тасвири; ёзувчи психологик таҳлилларининг маҳсулидир. Ёзувчи бевосита бадиий матнда психологик таҳлил қилмайди, балки ўз қаҳрамонининг руҳий оламини, руҳий ҳолатларини тасвирлайди, акс эттиради, “чизади”.

Ёзувчи бадиий психологизмни яратишда диалог, монолог, портрет, туш, галлюцинация, мактуб, психологик деталь, психологик тафсилот, психологик параллелизм сингари турли шакллардан фойдаланади. Шунга кўра, бадиий психологизм – мазмун бўлса, диалог, монолог, портрет, туш, галлюцинация, мактуб, психологик деталь, психологик тафсилот, психологик параллелизм кабилар шу мазмуннинг ёзувчи томонидан воқелантирилган шакллари дир.

XIX аср охири – XX аср бошларида ўз фаолияти ва асарлари билан бутун жаҳон афкор оммасинининг диққатини тортган америкалик адиб Жек Лондон ижоди ва ҳаётининг биографияси адиб билан замон нуқтаи назаридан деярли кетма-кет яшаган, ижтимоий келиб чиқиши ва ҳаёт йўли маълум маънода яқин бўлган Абдулла Қаҳҳор эътиборини ҳам қозонган. Абдулла Қаҳҳор, ўзи эътироф этганидек, Жек Лондон асарлари билан таниш бўлган. Адабиётшуносларнинг кузатишларига кўра эса, у Жек Лондон адабий мактабидан бевосита таъсирланган. Айтиш мумкинки, Абдулла Қаҳҳор ўзининг бир қатор ҳикояларини, “Сароб” романини яратишда америкалик адибнинг “Мартин Иден” романи сюжети скелетидан, шунингдек, ёзувчининг биографиясидан фойдаланган.

Жек Лондон ҳаётнинг бутун машаққатлари, зиддиятлари, миқёслари билан тўқнаш келади ва кейинчалик буларнинг барини ўз асарларида бадиий қайта гавдалантиради. Мана шу ҳаётининг сабабли адиб романлари, қатор повесть ва ҳикоялари, пьесалари бутун жаҳон китобхонларининг севимли мулкига айланган.

Жек Лондон ҳикояларида ҳамиша қаҳрамоннинг ранг-баранг руҳий ҳолатлари тасвирига дуч келамиз. Жек Лондон кўп ҳолларда қаҳрамоннинг ичидан туриб унинг ички оламини кашф қилади.

Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари қисқалиги, асосан, қаҳрамон руҳий ҳолатининг унинг қиёфасидаги акси тасвири, қаҳрамон нутқи ва деталларга асосланганлиги билан ажралиб туради. Абдулла Қаҳҳор Жек Лондон сингари бир ёки бир неча воқеани батафсил, барча икир-чикирлари билан қаламга олмайди. Адибнинг ҳикоялари воқеликнинг бир моментини қайд этган фотосуратларга ўхшайди. Уларда ҳар бир сўз, деталь ёки тафсилот Шарқ мумтоз лирикасидаги сингари кучли рамзий юкка эга бўлади ва мана шулар орқали қаҳрамоннинг ички олами кашф этилади.

Ҳар иккала адиб ижодида бадиий психологизм композицион асос даражасига кўтарилган ҳикоя бор. Бу – Жек Лондоннинг “Буюк сеҳргар” ҳамда Абдулла Қаҳҳорнинг “Кўр кўзнинг очилиши” ҳикояларидир. Ҳар иккала ҳикояда ҳам қаҳрамонлар инсон психологиясидан фойдаланиб ўз мақсадларига эришадилар. Бу икки ҳикоя психологик мотивнинг композицион асос даражасига кўтарилиши, сюжети билан бир-бирига яқин бўлса, “Ҳаётга муҳаббат” ҳамда “Минг бир жон” ҳикоялари ғоявий жиҳатдан муштарак. Ҳар иккала ҳикояда ҳам ҳаёт ва ўлим оралиғида туриб, тирик қолиш учун кураш олиб борган қаҳрамонлар тасвирланади.

“Мартин Иден” ва “Сароб” романларида ҳам бош қаҳрамон – ижодкордир. Ҳар иккала романда адиблар ижодкор шахснинг руҳий оламини, характер-хусусиятларини жуда ёрқин ва ишонарли тасвирлаганлар. Аммо бу икки романда ижодкор шахснинг икки хил типни яратилган. Албатта, бу, аввало, мазкур қаҳрамонларни етиштирган ижтимоий муҳит, маданий-маънавий омиллар, миллий менталитет кабилардан келиб чиқади.

Иккинчи боб “**Роман жанрида бадиий психологизм**” деб номланган бўлиб, илк фаслида “Мартин Иден” ва “Сароб” романларидаги типологик ўхшашликлар ва ўзига хосликлар, иккинчи фаслида “Мартин Иден” ва “Сароб” романларида ижтимоий ва миллий психологиянинг бадиий талқини, учинчи фаслида бадиий психологизм ва услуб масаласи ўрганилган.

Жек Лондоннинг “Мартин Иден” ва Абдулла Қаҳҳорнинг “Сароб” романлари ўртасида муайян ўхшашликлар борлиги адабиётшуносликда айtilган<sup>14</sup>. Адибнинг ўзи ҳам адабий-танқидий мақолалари, чиқишларида бир неча ўринларда Жек Лондон ижодига, “Мартин Иден” романига алоҳида диққат қаратиб ўтади. Бу факт ва маълумотлар Абдулла Қаҳҳорнинг Жек Лондон ижодини, унинг “Мартин Иден” романини яхши билганлигини кўрсатадики, бундан ўзбек адиби америкалик ёзувчи яратган романдан адабий таъсирланган, дейишга имкон беради.

Чиндан ҳам, “Мартин Иден” ва “Сароб” романлари ўртасида бир қатор муштаракликлар кўзга ташланади. Бу, энг аввало, қаҳрамонларни танлаш ва воқеалар ривожига кўринади. Ҳар иккала романнинг бош қаҳрамонлари – ижодкор шахслар. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам камбағал оиладан чиққан.

Асар воқеалари бошланганда Мартин ҳам, Саидий ҳам ота-оналаридан ажралиб, етим бўлиб қолган эдилар; ҳар иккала қаҳрамоннинг бу оламдаги энг яқин кишилари – опалари эди. Саидийнинг бир, Мартиннинг икки опаси бор эди. Табиий қон-қардошлик боғлаб турган бу опалар ўз жигарига она сингари ҳар қанча меҳрибон бўлмасин, улар Мартин ва Саидийнинг юксак орзу-ниятларини англай олмайдилар. Руфь отаси, онаси, акаларидан иборат тўлақонли бадавлат оиланинг эрка фарзанди бўлгани сингари, Мунисхон ҳам онаси ва акасининг меҳр-муҳаббати паноҳида тўқ, беташвиш ҳаёт кечиради. Ҳар иккала романда ҳам почча образи бор. Мартиннинг поччаси Бернард Хиггинботам ва Саидийнинг поччаси Муҳаммадражаб савдогарлик билан шуғулланади.

Ҳар иккала асар қаҳрамонларининг ҳаётидаги жуда муҳим ўзгариш – улар илоҳий муҳаббат билан севган қизни учратишлари воқеаси билан бошланади. Руфь ҳам, Мунисхон ҳам юқори табақа вакили бўлиб, Мартин учун ҳам, Саидий учун ҳам қўл етмас юксакликда яшайдилар.

Воқеалар ҳар икки романда бир-бирига муштарак равишда ривожланиб боради. Юқори табақага мансуб бўлган бой-бадавлат қизга эришиш мақсади Мартин ва Саидийни бирдек изтиробга солиб, улардаги ички кучни уйғотиб юборади. Ҳар иккала йигит ўз севгилисига муносиб бўлиш, унга эришиш учун жамийки имкониятларини ишга соладилар. Мартин ва Руфь ўртасидаги муҳаббатни Руфнинг яқинлари қабул қила олмаганлари сингари, Мунисхоннинг акаси Мухторхон ҳам икки ёш ўртасидаги муносабатга юзаки қарайди, билиб туриб ўзини билмасликка олади.

---

<sup>14</sup> Шарафиддинов О. Абдулла Қаҳҳор. – Т.: Ёш гавардия, 1988. – Б.43-44; Ҳамрақулова Ҳ. Абдулла Қаҳҳорнинг “Сароб” романида шахс фожиаси талқини: Фил. фанлари номз. ... дисс. автореферати. – Т., 2004. – 17-б.

Воқеаларнинг кейинги ривожини роман муаллифларининг бадиий мақсадига кўра турлича ривожланади. Мартин капитализм шароитида мумкин бўлгани сингари кутилмаган муваффақиятга, катта бойликка эришади. Саидий эса мустабид тузумнинг минглаб қурбонларидан бирига айланади. Ечим эса ҳар икки асарда ўхшаш: табиат томонидан катта потенциал куч ато этилган, юксак орзу-мақсадлар билан яшаган икки навқирон йигит худкушликка юз тутадилар.

“Мартин Иден” ва “Сароб”да мотивлараро муштараклик ҳам кўзга ташланади. Бинобарин, воқеалар Мартин ва Саидийнинг ўзлари учун янги бўлган муҳитга – бирининг ўзи ёт бўлган табақа вакиллари хонадонига, иккинчисининг университетга қадам кўйиши билан бошланади. Руфни ҳам, Мунисхонни ҳам биринчи кўришдаёқ йигитда барқ уриб турган соғлом навқиронлик ўзига жалб қилади; умуман, ҳар иккала қиз ижтимоий тафовут ҳақида ўйлаб кўришга, бу йигитларнинг юксак маънавий дунёси билан танишишга улгурмай, табиий майлнинг асири бўлиб қоладилар. Ҳар иккала романда биринчи учрашувдаёқ мафтун бўлиш мотиви бор. Бу романларда қаҳрамонлар характери ишлашда ҳам муштараклик кўзга ташланади. Ҳар икки йигит маъшуқа назарига тушиш учун фавқуллодда вазият туғилишини орзу қиладилар.

Хуллас, Жек Лондоннинг “Мартин Иден” ва Абдулла Қаҳҳорнинг “Сароб” романи ўртасидаги муштараклик қаҳрамонларни танлаш ва воқеалар ривожиди, мотивлараро, қаҳрамонлар характери ишлашда, айрим воқеаларда, айрим тасвирларда, бадиий деталларда намоён бўлса, улар орасидаги тафовут роман воқеалари бўлиб ўтган тарихий-ижтимоий муҳит; муайян воқеаларни қаламга олишдан кўзда тутилган ғоявий мақсад; бош қаҳрамон фожиасининг икки хил характери; бадиий психологизмларнинг берилиши кабиларда кўринади.

Маълумки, роман жанрининг бош хусусиятларидан бири – унда катта тарихий-ижтимоий давр манзараларининг кенг кўламда берилишидир. Абдулла Қаҳҳор Туркистон худудида янгиланган ижтимоий-иқтисодий жамиятдаги зиёлилар ҳаётини миллий адабиётда биринчилардан бўлиб дадил кўтариб чиқди. “Мартин Иден” воқеалари олис Америкада, ривожланган капитализм шароитида бўлиб ўтса, “Сароб” ўз қонун-қоидаларини қонхўрларча ўрната бошлаган мустабид шўролар даври воқеаларини ўз ичига олади.

Ҳар қандай реалистик асарда ижодкор тарихий даврнинг бадиий манзарасини чизар экан, ижтимоий ва миллий психология мотивларини четлаб ўтолмайди. Аксинча, даврнинг тарихий манзараси, катта ижтимоий воқелик шу давр одамларининг ижтимоий ва миллий психологияси орқали бадиий қайта гавдалантирилади.

“Мартин Иден”да ижтимоий психологиянинг муайян сиёсий тузум даврига хос бўлган шундай икки қирраси кўрсатилганки, айнан мана шундай оммавий қараш бош қаҳрамон ва бошқа қаҳрамонлар ўртасидаги

зиддиятнинг кучая бориб, пировардида Мартин ва Руфь ўртасидаги муҳаббатнинг барбод бўлишига ҳам, Мартиннинг фожиасига ҳам сабаб бўлади. Булардан биринчиси шуки, муносабатлар капиталистик асосда қурилган жамиятда мулкый муносабатлар, тўғрироғи, инсонлараро муносабатларнинг мулкый эгалikka кўра тайин этилиши биринчи ўринда туради. Инсонга муносабат унинг қанча мулк эгаси эканлигига кўра белгиланади. Шунга кўра, ижодий куч-қувватга тўлиб-тошган, санъат учун яратилган Мартин Иденга опалари, севгилиси Руфь, бошқалар ҳам тайин бир жойга ишга жойлашиб, пул топиш, ҳамманикига ўхшаган осойишта турмуш кечиришни маслаҳат берадилар. Мартин Иденга якка-ёлғиз ўзи пул топиб, осойишта умргузаронлик қилиш кайфиятидаги одамлар билан кураш олиб боришга тўғри келади. Мартин Иден дастлаб ўз тасавурида барпо этган муҳаббат ва гўзалликнинг романтик оламида яшайди. Бу оламда ёзувчи бўлишдек қаҳрамонликни амалга оширади.

Мартин Иден яшаган муҳитда ижтимоий психологиянинг иккинчи кўриниши эса, Жек Лондоннинг кўрсатишича, инсонийлик нуқтаи назаридан тўғри ёки нотўғрилигидан қатъи назар, айрим бир қарашларнинг кенг ёйилиши, омма томонидан маъқулланиши ва ёзилмаган қатъий қонун шаклини олишидир. Бу – жуда муҳим ҳолат. Унинг муҳимлиги шундаки, айнан мана шу психология муайян жамиятдаги одамларнинг ўзаро муносабатларини белгилайди (Руфь ҳамда Мартиннинг қарашларидаги асосий тафовутлардан бири ҳам мана шунда ва бу пировардида улар ўртасидаги муносабатнинг барбод бўлишига олиб келади).

Эътироф этилиш – жамиятда жуда катта кучга айланади, эътироф этилмаслик эса қанчадан-қанча шахсларни, улуғ ғояларни пачоқлаб, кераксиз нарсага айлантиради, йўқ қилиб юборади, аламзадалик туғдиради. Саидийнинг Мартиндан фарқи шундаки, унда эътироф этилганларни эътироф этишга мойиллик бор.

“Сароб”да мустабид тузум ҳосил қилган яна бир психология – кимларнидир “халқ душмани”га чиқариш орқали, бир миллатга мансуб кишиларни ўзаро қарама-қарши қўйиш психологияси ўзига хос очиб берилган.

Учинчи боб **“Мартин Иден”** ва **“Сароб”** романларида **психоаналитик ҳодисалар**” деб аталган бўлиб, бу романларда психоаналитик ҳодисаларнинг бадий талқини, муаллиф психологияси ва психоанализ, ўлим категорияси ва психоанализ масалаларини тадқиқ қилишга қаратилган.

“Мартин Иден” романида энг кўп учрайдиган психоаналитик ҳодисалардан бири уйғоқ ҳолатда кўриладиган “ўнгдаги туш” (“сон наяву”)дир. Психоанализда “ўнгдаги туш” оддий тушга тенг қийматли ҳодиса сифатида – онг ости истакларининг ихтиёрсиз рўёби маъносида идрок этилади. “Ўнгдаги туш” оддий туш каби онг ости олами воқеланишининг бир шаклидир. Романда берилган “ўнгдаги туш”ларга хос умумий жиҳат шуки,

Мартиннинг кўз ўнгида ўз ҳаётида бўлиб ўтган воқеалар гавдаланади. Бу – фрейдизмдаги туш талқинига мосдир. Мартиннинг камуйқулиги ва уйкуга берилиши психоаналитик жиҳатдан тўла асосга эга ва шунга кўра айтиш мумкинки, Жек Лондон психологик ҳодиса билан боғлиқ ҳаёт ҳақиқатини тўғри гавдалантирган. Романда сублимация ҳодисаси ҳам реал кўрсатилган.

Ҳар иккала романнинг бош қаҳрамонлари пировардида руҳий хасталикка йўлиқадилар. Бу ҳам психоаналитик ҳолат бўлиб, сублимациянинг бир кўринишидир. Аслида психоанализ руҳий хасталик сирларини ўрганиш мақсадида майдонга келган бўлиб, бундай ҳолнинг асосий сабабларидан бири сифатида онг ости интилишларининг реаллашмаганлиги кўрсатилади. Мартин ва Саидийда бу хасталик онг ости интилишларининг сиқилувидан келиб чиққанидан, ўзларига сезилмайди, аммо атрофдаги одамлар буни сезиб қоладилар.

“Мартин Иден” романи автобиографик хусусиятга эгаллиги боис Жек Лондон ижодкор образини яратишда ўз табиати ва тажрибаларидан келиб чиққанлиги кузатилади. Абдулла Қаҳҳор ҳамижодкор ва ижод психологиясини беришда, шубҳасиз, ўзининг ижодкор сифатидаги табиати ва фаолиятига суянган.

